

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазири



Ж. Мирзамахмудов

2023 йил “ 14 ” *сентябрь*

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд  
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг  
13 - сон баёни**

2023 йил “ 14 ” *сентябрь*

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов  
комиссияси раиси

**Қатнашганлар:** Вазир ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги  
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд  
вакант лавозимлари учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат босқичини  
ўтказиш тўғрисида**

*(Мирзамахмудов, Ахмедхаджаев, Жуманазаров, Файзиев, Исанбеков, Мирзамахмудов)*

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги мавжуд Ташқи иқтисодий фаолият бошқармаси бош мутахассиси (ички) ва Электр энергиясини ишлаб чиқариш бошқармаси бош мутахассиси вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 70 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, мувафаққиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафаққиятли ўтган 2 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг сўнгги - суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда баҳоланди.

Танлов комиссияси аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Танлов комиссиясининг хулосасига кўра, Ташқи иқтисодий фаолият бошқармаси бош мутахассиси лавозимига **Нематхонов Ахрорхон Хамидулло ўғли** номзоди, Электр энергиясини ишлаб чиқариш бошқармаси бош мутахассиси лавозимига **Нигмонов Умархўжа Улуғбекович** номзоди маъқуллансин ҳамда улар билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилсин.

2. Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (З.Файзиев) номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид хужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.И.Ахмедхаджаев зиммасига юклансин.

А.Ахмедхаджаев

А. Жуманазаров

А. Раупов

З. Файзиев

Д. Исанбеков

Х. Куйжанов